

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

“БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ” КАФЕДРАСИ

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК:657.5:658(575.3)

Исламова Мухлиса Алишер кизи

**АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯЛАРИДА ЖОРИЙ АКТИВЛАР
ҲИСОБИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ МУАММОЛАРИ ВА
РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛЛАРИ**
(Акциядорлик жамиятлари мисолида)

5А 230901 - «Бухгалтерия ҳисоби (тармоқлари ва соҳалари бўйича)»
мутахассислиги бўйича магистр даражасини олиш учун
МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИ

Илмий раҳбар: проф. Холбеков Р.О.

ТОШКЕНТ – 2019

Ушбу магистрлик диссертацияси иши “Тошкентдонмахсулотлари” акциядорлик жамиятида жорий активлар ҳисобини ўзига хос хусусиятлари ва халқаро бухгалтерия ҳисоби стандартлари асосида такомиллаштиришга бағишланган бўлиб, унда бу соҳадаги мавжуд муаммолар ўрганилган ҳамда муаммоларни бартараф қилиш, мавзуни такомиллаштириш борасида илмий таклиф ва тавсиялар берилган.

This Master's dissertation paper is based on the analysis on “Toshkentdonmakhsulotlari” company. In the paper, current accounts of the company are presented using the benchmark of international accounting standards. In addition, this paper includes the analysis of current challenges and problems in the industry and sustainable recommendations are provided.

Магистрлик диссертация иши “Бухгалтерия ҳисоби” кафедрасида дастлабки ҳимоядан ўтган. 14- сонли баённома «30» май 2019 й.

Илмий раҳбар: проф. Холбеков Р.О.




ИМЗО

30.06.19

сана

Магистр: Исламова М.А.



ИМЗО

30.06.19

сана

“Ҳимояга тавсия этилади”
“Бухгалтерия ҳисоби” кафедраси
мудири проф. Холбеков Р.О.



“30” июнь 2019 йил

Ҳимоя 2019 йил “02” июль соат 14-00 да Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бўлиб ўтади.

МУНДАРИЖА:

КИРИШ.....	4
1-боб. Ишлаб чиқаришни модернизация қилишда жорий активлар ҳисобини ташкил этишнинг назарий, услубий асослари.....	9
1.1. Акциядорлик жамиятларида бухгалтерия ҳисобини ташкил этишнинг назарий жиҳатлари.....	9
1.2. Акциядорлик компанияларида жорий активлар ҳисобини концептуал асослари	17
1.3. Акциядорлик компанияларида жорий активларни гуруҳланиши.....	23
1-боб бўйича якуний хулоса.....	30
2-боб. “Toshkentdonmahsulotlari” АЖ корхонасида жорий активлар ҳисобини ташкил қилиши.....	32
2.1 .“ Toshkentdonmahsulotlari” АЖ корхонаси ҳисоб сиёсатининг ўзига хос хусусиятлари.....	32
2.2. Хом-ашё ва материалларнинг гуруҳланиш ҳамда баҳоланиши.....	41
2.3. Хом-ашё ва материаллар ҳисоби.....	54
2.4. Тайёр маҳсулот ва уни сотиш жараёнлари ҳисобини ташкил қилиши.....	59
2-боб бўйича хулоса.....	67
3-боб. Донни сақлаш ва қайта ишлаш тармоғида жорий активлар ҳисобини такомиллаштириш йўналишлари.....	69
3.1. Донни сақлаш ва қайта ишлаш корхоналарида материаллар ҳисобини такомиллаштириш муаммолари.....	69
3.2. Донни сақлаш ва қайта ишлаш корхоналарда тайёр маҳсулотлар ҳисобини такомиллаштириш омиллари.....	76
3-боб бўйича хулоса	80
Хулоса	82
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	84

КИРИШ

Магистрлик диссертацияси мавзусининг асосланиши ва долзарблиги.

“2017 - 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлан-тиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясининг “Иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишида” кўрсатиб ўтилганидек , макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолишда макроиқтисодий мутаносибликни сақлаш, қабул қилинган ўрта муддатли дастурлар асосида таркибий ва институционал ўзгаришларни чуқурлаштириш ҳисобига ялпи ички маҳсулотнинг барқарор юқори ўсиш суръатларини таъминлаш муҳим масалалардан биридир.¹

Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида мулкчилик шакллари турли хил бўлган субъектларнинг ташкил топиш жараёнида уларни бошқариш, фаолиятини назорат ва таҳлил қилиш, маъмурият томонидан тезкор қарорларнинг қабул қилинишига асос бўладиган зарур маълумотларни, асосан, бухгалтерия тақдим этади. Барча хўжалик юритувчи субъектлар ишлаб чиқариш ва тижорат фаолиятларини бухгалтерия ҳисобида қайд этиб боришлари ва молиявий ҳисоботларни тузишлари, бу маълумотларни ички ва ташқи истеъмолчиларга тақдим қилишлари шарт.

Мамлакатимизни модернизация қилиш ва иқтисодий ислохотларни амалга ошириш жараёнида бухгалтерия ҳисобини юритиш қоидалари, шу жумладан, кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун соддалаштирилган бухгалтерия ҳисобини юритиш қоидалари ҳам бухгалтерия ҳисоби сдандартлари билан белгиланган.²

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, иқтисодиётни модернизация қилиш ва техник-технологик жиҳозлаш шароитида ишлаб чиқариш

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони.

² “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида. 2016 йил 13 апрель. № ЎРҚ-404.